

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
MINTAQAVIY BO‘LIMI
XORAZM MA’MUN AKADEMIYASI**

XORAZM MA’MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI

Axborotnoma OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrdagi 223/4-son qarori bilan biologiya, qishloq xo‘jaligi, tarix, iqtisodiyot, filologiya va arxitektura fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

**2025-3/4
Xorazm Ma’mun akademiyasi axborotnomasi
2006 yildan boshlab chop qilinadi**

Xiva-2025

Абдуллаева Д.А. Ўзбек тилида риторик гапнинг тахлилий ва лисоний хусусиятлари	353
Айтмуратова П.Г., Файзуллаев Ф.У. Роль медицинской латыни в современной медицине	355
Алихасанова З.Ф. Мотивационно-номинативные особенности флоронимов	358
Газиева Д.М., Кулмурзаева К.Э. Звуковая система языка: классификация звуков, их артикуляционные и акустические характеристики	362
Даминова Ф.И. Народные сказки и их изучение	364
Исаева Ю.П. Образ героя в творчестве Захара Прилепина	367
Исматуллаева Н.Р. “Ўткан кунлар” асаридаги тарихий титулонимларнинг хитой тилида берилиши масалалари	372
Каримова Г.И. Анализ и интерпретация термина концепта в когнитивном языкознании	376
Каримова Д.Э. Наречия с темпоральным значением в русском и узбекском языках	379
Кодирова З.А., Атавуллаева С.Ж. Метафорические выражения в русском и узбекском языках: семантический и лингвокультурологический анализ	382
Муродова Д.А. Образ матери, как ценностная константа русской и узбекской культуры	384
Набиева Н.И., Азизова Н.Б. Отражение концепта «человек» в паремиологии русского и узбекского языков	387
Нишонов И.Д. Литературные образы главных героев в трилогии Уильяма Гибсона «Киберпространство»	390
Нурмаматов Б.Б. Мистическая реальность в прозе Л. Петрушевской	396
Рахматуллаева З.А. Использование паралингвистических средств общения в процессе преподавания иностранного языка	399
Рузиева Д.Н. Пейзаж в художественной литературе как элемент литературоведческого исследования	402
Сагдуллаева Д.К. “Қисаси Рабғузий” асаридаги арабча бирикмаларнинг синтактик таҳлили	407
Султанова Д.А. Сравнительный анализ метонимии в русском и узбекском языках	409
Убоженко А.С. Развитие категории рода в русском языке под влиянием феминитивов	412
Элмурадова Л.Н., Саидкулова Ф. Стили публицистической речи	415

7. Сухих О. С. «Очень своевременные книги» (о традициях Ф. М. Достоевского и М. Горького в романе З. Прилепина «Санька») // Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского. 2008. № 6. С. 290-296.
8. Юферова А. А. Идея тождественности человеческого и звериного микрокосма в прозе Захара Прилепина // Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского. 2013. № 4: в 3-х ч. Ч.1. С.353-358.
9. <https://cyberleninka.ru/article/n/obraz-geroya-v-proze-zahara-prilepina-na-materiale-romanov-patologii-sankya>

УЎК 81-25+821.581

“ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИДАГИ ТАРИХИЙ ТИТУЛОНИМЛАРНИНГ ХИТОЙ ТИЛИДА БЕРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

***Н.Р.Исмагуллаева, PhD, доц., Таржимашунослик, тилишунослик ва халқаро
журналистика олий мактаби, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент***

Аннотация. Мазкур мақолада Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари ва унинг Ди Сяоя томонидан хитой тилига таржимасидаги тарихий титулонимларнинг таржимада берилиши масалалари таҳлил қилинади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тарихий титулонимларни таржима қилишда семантик юкламанинг йўқолиши, фонетик транслитерациянинг қўлланилиши, экспрессив воситаларнинг йўқолиши ҳамда айрим атамаларнинг тушириб қолдирилиши каби ҳолатлар кузатилади. Хулосага кўра, тарихий терминларни тўғри таржима қилиш учун таржимон тарихий ва маданий контекстни чуқур англаб, зарур ҳолларда изоҳли таржимадан фойдаланиши лозим. Ушбу ёндашув таржиманинг тўғрилиги ва асарнинг тарихий-бадший қийматини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Калит сўзлар: тарихийлик, тарихий сўзлар, титулоним, калькалаш, транслитерация.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы передачи исторических титулонимов в произведении Абдуллы Кадыри «Минувшие дни» и его переводе на китайский язык, выполненном Ди Сяоя. Результаты исследования показывают, что при переводе исторических титулонимов наблюдаются такие явления, как утрата семантической нагрузки, использование фонетической транслитерации, исчезновение экспрессивных средств, а также опущение отдельных терминов. В заключение отмечается, что для корректного перевода исторических терминов переводчику необходимо глубоко понимать исторический и культурный контекст и в необходимых случаях использовать пояснительный перевод. Такой подход способствует точности перевода и сохранению историко-художественной ценности произведения.

Ключевые слова: историчность, исторические термины, титулоним, калькирование, транслитерация.

Abstract. This article examines the issues of translating historical titulonims in Abdulla Qodiriy's novel *Bygone Days* and its Chinese translation by Di Xiaoxia. The research findings indicate that the translation of historical titulonims involves phenomena such as the loss of semantic load, the use of phonetic transliteration, the disappearance of expressive means, and the omission of certain terms. In conclusion, it is emphasized that for an accurate translation of historical terms, the translator must have a deep understanding of the historical and cultural context and, when necessary, use explanatory translation. This approach ensures translation accuracy and helps preserve the historical and artistic value of the work.

Keywords: historicity, historical terms, titulonim, calquing, transliteration.

Кириш. Таржима – бу нафақат сўзларни, балки миллат тарихи ва маданиятини ҳам таржима қилиш санъатидир. Ҳар бир тарихий даврда таржима жараёни турлича кечганлигини кузатиш мумкин. Таржима қадимги дунёда билимларни ўзга халқларга тарқатиш воситаси бўлса, бугунги кунда глобал алоқаларни кенг ўрнатиш асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Тил ўзгариши билан таржима ҳам ривожланади, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусияти таржима усуллари ёрдамида намоён бўлади.

Мазкур ишда **тадқиқот объекти** сифати Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари [1] ва унинг хитой тилига таржимон Ди Сяоя томонидан амалга оширилган таржима асари [2] даги тарихий титулонимлар олинган. Абдулла Қодирий романлари бадийнинг юқорилигидан ташқари, ушбу асарларда тарихимизнинг ёрқин ифодасини кўриш мумкин. Бадий таржимачилик фаолиятида тарихийлик ва тарихий семантикани таржимада бериш бир оз мушкул иш ҳисобланади. Чунки чет тилини ўрганишда асосан замонавий ҳозирги стандарт тил ўрганилади. Таржимонлар ўз фаолиятига кўра турли жанрдаги таржималар билан шуғулланиладилар. Масалан, илмий техникавий, назмий, фалсафий, бадий ва ҳ.к. Аслида тарихий матнлар илмий жанрдаги матнлар сирасига кириб, тарихийликнинг бадий адабиётда ифодаланиши таржимон елкасига икки ҳисса юк ортади. Чунки таржимон тарихий-бадий асардаги бадий тасвир воситалари, ҳиссий лексика, паремиолоик бирликларни таржима қилиш маҳорати билан бирга, тарихий терминлар, тарихий шахс, воқеалар ҳақида ҳам бой билим ва маълумотга эга бўлиши лозим. Ҳар бир тарихий лексик бирлик ортида тарихий воқеот туради. Ана шу тарихийликни таржимада сақлаб қолиш жуда муҳим ва мушкул иш ҳисобланади. Таржима жараёнида тарихийликни беришда, авваламбор тарихий сўзларни ўрганиш ҳал қилувчи босқичдир.

Рус тилшуноси В.Ярцева историзм, яъни тарихий сўзларни “йўқолиб кетган реалияларни англатувчи сўз ва турғун сўз бирикмалари (рус. «колесовать», «тягло», ингл. *dog-whipper, manbote*)” дея таърифласа [3, 204], А.Ҳожиев тарихий сўз бу ўтмишга оид воқеа ҳодисаларни ифодалайдиган, бу воқеа ҳодисаларни номлаш мақсадида ҳозирги тилда ишлатиладиган сўз (*қулоқ, (қулоқ қилмоқ), бўлак ва б.*) [4, 103]лигини таъкидлайди. Махкамов тарихий сўзларга “сўзнинг ўзи ифодалаган тушунча билан биргаликда эскириши (*қози, миршаб...*) деб таъриф беради [5, 111].

Тарихий эскириш ҳодисаси инглиз тилида “obsolescence” термини билан берилиб, бу Д.Кристалнинг луғатида тарихий тилшуносликда, тил ўзгариши ёки ташқи дунёдаги ўзгаришлар натижасида сўздан фойдаланиш имконияти ёки мотивациясининг йўқолиши сабабли, лексик бирликнинг аста-секин йўқолишини ифодалаш учун ишлатиладиган атама [6, 337-338] сифатида кўрсатилади.

Титулоним – шахснинг ижтимоий мақоми, лавозими ёки унвонини билдирувчи ном. Бу атама тилшуносликнинг ономастика соҳасига тегишли бўлиб, айниқса, титулонимика деб аталувчи йўналишда ўрганилади.

Муҳокама ва натижалар. Маълумки, тарихий тадрийжийлик натижасида бир тушунчага бериладиган номлар, аташлар ҳам замон талаби, тилнинг ички хусусиятларига кўра ўзгариб боради. Айрим историзмлар фақат бир миллат маданиятида мавжуд реалия ҳисобланади (халфа, ёрма, мисқол) [7, 70].

“Ўткан кунлар” асарида келтирилган титулонимларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) Лавозим номлари: хон, мингбоши, қушбеги, дарвозабег, ботирбоши, офтобачи, йигит оғаси, кўрбоши, ҳудайчи, кўрғон беги, юзбоши, ясовулбоши, парвоначи ва б.
- 2) Мурожат бирликлари: тақсир, бек, бегейим ва б.
- 3) Касб кор сўзлари: шоҳичи, туякаш ва б.

Масалан, ўзбек ва хитой тилларида тарихий сўз ҳисобланган *дарвозабег* сўзи қадимда “шаҳар дарвозаларини назорат қилиб, идора этувчи мансабдор шахс” маъносини англатган. А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида воқеалар XIX аср ўрталарида кечганлиги эътиборга олинса, XIX асрда шу вазифани бажарувчи мансабдор шахс ўзбек тилида “дарвозабег” сўзи орқали ифодаланган (ЎТИЛ, 1, 561). Шу тушунчага хитой тилида муқобил сўзларни излаш натижасида, *дарвозабег* сўзининг Хитой тарихида ҳукмронлик қилган турли сулолалар даврида титулонимлар, яъни мансаб ва лавозим терминларининг турлича бўлганлиги кузатилди. Дарвозабегининг айрим мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда, хитойча тарихий титуллар тизимида номлар ҳам турлича бўлган:

Дарвозабегу сўзига хитой тилида муқобил бўла олувчи лавозим номлари

№	Дарвозабегу сўзига муқобил бўла олувчи лавозим номлари	Лавозим номи истеъмолга киритилган сулола даври	Хитой тилида кенгайтирилган изоҳи
1.	司门 <i>sī mén</i>	Жоу сулоласи (мил.ав. 1046-мил.ав. 256)	Шаҳар дарвозалари бошлиғи (赵德义。中国历代官称词典,355)
2.	门尹 <i>ményīn</i>	Чунчию даври Чу подшолиги (мил.ав. 770-мил.ав. 476)	Дарвоза соқчилари бошлиғи (赵德义。中国历代官称词典,262)
3.	卫尉 <i>wèi wèi</i>	Жанггуо даври (мил.ав. 475-мил.ав. 221)	Император саройи дарвозалари қўриқчилари бошлиғи (赵德义。中国历代官称词典,401)
4.	城门校尉 <i>chéngmén xiàowèi</i> , 城门朗 <i>chéngménlǎng</i>	Хан сулоласи (мил.ав. 206-220)	Шаҳар дарвозалари бошлиғи (赵德义。中国历代官称词典,50-51)
5.	城门尉 <i>chéngménwèi</i> , 城守尉 <i>chéngshǒuwèi</i> , 城门领 <i>chéngménlǐng</i>	Чинг сулоласи (1616-1911)	Шаҳар дарвозалари соқчилари бошлиғи (赵德义。中国历代官称词典,50)
6.	九门提督 <i>jiǔmén tí dū</i>	Чинг сулоласи (1616-1911)	Пойтахтнинг тўққиз (正阳 Zhèngyáng、崇文 Chóngwén、宣武 Xuānwǔ、安定 Āndìng、德胜 Dèshèng、东直 Dōngzhí、西直 Xīzhí、朝阳 Cháoyáng、阜城 Fùchéng) дарвозаси соқчилари бошлиғи (赵德义。中国历代官称词典,215)

Ҳозирда бу сўзлар тарихий сўзлар қаторига кириб, улар муайян сулолалар давридаги императорлар томонидан бирин-кетин истеъмолдан чиқарилган. Ҳозирги ўзбек тилида мазкур тушунчанинг функционал хусусиятини эмас, балки мазмун жиҳатини берувчи *посбон*, *соқчи*, *қоровул*, хитой тилида эса 看门人 *kānménrén*, 门卫 *ménwèi* каби сўзлар мавжуд. Тарихий-киёсий метод воситасида лакуналарни аниқлашда турли омиллар, яъни тарихий давр, ҳудуд, тушунчага юклатилган вазифалар кабиларга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида *дарвозабегу* ҳамда *дарвозабон* сўзларининг хитой тилида бир хил лексик бирлик – 看门人 *kānménrén* сўзи билан берилганлигини кузатиш мумкин.

Дарвоза бегу югуриб қўрган деворига чиқди. [1, 94]

Таржимаси: 看门人跑到城楼上. [2, 80]

Биз ўзимизни ичкарига олгач, *дарвозабон* ўзининг ҳазми кўтарган қадар бизга пўнғиллайдилар-да, дарвозани берклаш ҳаракатига тушади. [1, 87]

Таржимаси: 这样我们就进了城门, 看门人一直在抱怨, 直到他自己也觉得抱怨犯了。 [2, 74]

Асарда учраган тарихий титулонимлардан яна бири бўлмиш *мингбоши* сўзи даврий жиҳатдан қўлланилишига кўра турли функцияларни бажарганлиги сабабли, бу сўзнинг хитой тилига муқобилини топиш бир оз мушкул. Изоҳли луғатга кўра *мингбоши* сўзи “даҳа, қишлоқ оқсоқоли, ҳокими” ёки “қўшин бошлиғи” (ЎТИЛ, 213) маъноларини ифодаласа, асардаги қўлланилишига кўра энг мақбул изоҳни “Тарих терминлари изоҳли луғати”дан топиш мумкин (ТТИЛ, 147). Яъни, ушбу луғатда кўрсатилган *мингбоши* сўзининг бешта маъносидан иккинчи маъносининг изоҳига мувофиқ, “Қўкон хонлигида хондан кейинги мансаб” маъносини қабул қиламиз. Аслида тарихдан маълумки, мингбоши “даҳа, қишлоқ оқсоқоли” вазифасида минг нафар оилага бошчилик қилган. Айнан ушбу вазифани бажарувчи мансабдор титулоними Чўлпоннинг “Кеча ва Кундуз” асарида ўрин олганлигини кузатиш мумкин. Шунинг таъкидлаш жоизки, бу ўринда *мингбоши* сўзини хитой тилига таржиманинг калькалаш усулидан фойдаланган ҳолда 千户长 *qiānhùzhǎng* (сўзма-сўз. мингта оила бошлиғи) тарзида таржима қилиш мумкин. Лекин “Ўткан кунлар” асарида *мингбоши* сўзи бу маънода истифода қилинмаган. Романда мингбошилиқ лавозими Мусулмонқулга берилган мансаб сифатида

намоён бўлади. Ди Сяосянинг хитой тилига амалга оширган таржимасида транслитерация усулидан фойдаланиб, 明格巴什 *mínggébāshì* тарзида берганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, ушбу сўзга “... ўша даврда хон саройидаги олий даража, *вазирга* мос келади” шаклида изоҳ ҳам берилган. Бу ўринда транслитерация усулининг қўлланилганини маъқуллаймиз, лекин иероглифлар сонини қискартириш мақсадида бу сўзни 明巴什 *míngbāshì* тарзида берилса ҳам хитой фонетик тизимига мувофиқ келади.

.....ўзини **мингбоши** деб эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни (Худоёрни) хон кўтариб эл елкасига минди. [1, 20]

Таржимаси: 然后他宣布将幼稚的胡达亚尔立为大汗，而任命自己为明格巴什。 [2, 14]

Башарти сиз киромлар ул бепарҳез золимнинг мингбошилиқ вазифасидин тарад этишка аздилу жон бел боғлаган бўлсаларингиз... [1, 294]

Таржимаси: 如果你们浩罕的达官贵人们害怕与暴君战斗，清楚他的明格巴什封号，... [2, 266]

Асарда яна бир титулонимлардан ҳисобланмиш *ботирбоши* сўзининг таржимасида қалтис хатоликка йўл қўйилганини кузатиш мумкин.

...бу кун бўлмаса эртага ўзининг **ботир бошисининг**, **офтобачисининг**, хуллас, ким бўлса ҳам бекларидан бирининг шундай тинчсизлик чиқаришига «мумкин ва бўладирган иш» деб қарар эди (37).

Таржимаси: 并非今明两天才出现有勇无谋者，或者某位别克制造出类似的混乱。 [2, 29]

Мазкур жумлада *ботирбоши* титулоними (айнан **титулоним**) 有勇无谋者 *yǒuyǒng wútóuzhě* сўз бирикмаси билан берилган бўлиб, бу ўзбекчага сўзма-сўз ўтирилганда “жасур, аммо бемулоҳазакор шахс” тарзида таржима қилинади. Таъкидлаганимиздек, *ботирбоши* бу оддий сўз ёки сўз бирикмаси бўлмай, балки ўзбекча тарихий титулонимдир. Ботирбоши Қўқон хонлигида ҳарбий маъмурий олий даражали мансаб ва унвонлардан бири ҳисобланади. Шу туфайли бу сўзни транслитерация усулида 巴铁尔巴士 *bātiě'ěrbāshì* тарзида ўтирган ҳолда, иқтибос ўрнида юқорида *ботирбоши* сўзига берилган изоҳни хитойча таржимада ҳам бериш мақсадга мувофиқдир.

Худди шу жумлада берилган *офтобачи* сўзи хитой тилидаги таржимада тушириб қолдирилган. Бу сўзни яна асарнинг 124-саҳифасидаги “...шоговул бошилари, ясовул бошилари, дастурхончи ва офтобачилари, тунқатор ва парвоначилари оталиқ ва меҳтарбошилари...” бир неча титулонимлар қаторида ҳам учратамиз, лекин бу ўринда ҳам офтобачи сўзининг хитой тилига таржима қилмай тушириб қолдирилган [2, 110]ини кузатиш мумкин. *Офтобачи* термини хитой тарихий маданиятида кузатилмаса-да, ўзбекча *офтоба* сўзининг функциясидан келиб чиққан ҳолда мазкур титулонимни хитой тилига калькалаш усулида 淨手壺者 *jìngshǒuhúzhě* (сўзма-сўз. қўл ювиш учун кўза тутувчи) деб таржима қилишни таклиф қиламиз.

Хулоса. Хитой тилида муқобили мавжуд бўлмаган титулонимлар учун транскрипция ва калькалаш усуллари қўлланилган. Бироқ, транскрипсия усули баъзи ҳолларда ортиқча мураккаблик туғдирса, калкалаш орқали берилган таржималар эса титулонимларнинг тарихий ва маданий маъносини тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин. Шу сабабли, таржима жараёнида титулонимларнинг функционал моҳиятини сақлаб қолиш ҳамда хитой ўқувчилари учун тушунарли муқобил вариантлар топиш зарурияти вужудга келади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тарихий титулонимларни таржима қилишда уларнинг контекстдаги маъноси ва маданий ўрнини инобатга олган ҳолда, комбинатив ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса транслитерация ва семантик изоҳни ўз ичига олувчи ёндашувни талаб қилади. Шу билан бирга, таржима жараёнида унвонларнинг тарихий функциясини бузиб қўймаслик ва уларни максимал даражада мос муқобиллар билан ифодалаш муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент: Илм-зиё-заковат, 2019. – 432 б.

2. 阿卜杜拉 — 卡迪里。往昔。— 北京：中国社会科学出版社，2019。— 381 页。Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. (Таржимон: 邸小霞 Dī Xiǎoxiá). — Пекин: Хитой ижтимоий фанлар нашриёти, 2019. — 381 б.)
3. Ярцева В.Н. Языкознание. — М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. — 686 с.
4. Ҳожиёв А. Б. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. — Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, — 164 б.
5. Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. — Toshkent: Fan, 2013. — 144 б.
6. Crystal D. A Dictionary of Linguistics and Phonetics. (6th Edition). — Oxford: Blackwell Publishing, 2008. — 529 p.
7. Ўзбек тили практикуми. 1-қисм (Фонетика. Лексикология. Фразеология. Морфемика. Сўз ясалиши). — Тошкент: ТДПУ, 2005. — Б. 70.
8. O'zbek tilining izohli lug'ati. — Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2023. — 964 b.
9. Бекмухамедов Ҳ.Ю. Тарих терминларининг изоҳли луғати. — Тошкент: Ўқитувчи, 1986. — 272 б.
10. Rasuljanovna, I. N. (2019). Lacunas Occurance In Semantic Fields Of Chinese And Uzbek Languages. *International Journal of Scientific & Technology Research*, 8(11), 1998-2001.

УДК 811.161.1'276.6:62+811.111'276.6:62

АНАЛИЗ И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ТЕРМИНА КОНЦЕПТА В КОГНИТИВНОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ

Г.И.Каримова, преподаватель, Международный Азиатский университет, Ташкент

Annotatsiya. Biz bu maqolada “KONSEPT” terminiga tushuncha beramiz va uning turlarini ifoda etamiz. Konseptning xususiyatlari va tilimizga bo'lgan mohiyatiga tasnif beramiz. Va albatta ularning lingvo-kulturologik va lingvo-kognitiv mohiyatini tariflaymiz.

Kalit so'zlar: konsept, madaniyat, tilshunoslik, tilshunoslik va madaniyatshunoslik, xususiyatlar, tushuncha.

Аннотация. В данной статье мы даем понимание термина «Концепт» и описываем его виды. Классифицируем особенности концепта и их значение для нашего языка. И конечно же, мы описываем их лингвокультурную и лингвокогнитивную сущность.

Ключевые слова: Концепт, культура, языкознание, языкознание и культурология, особенности.

Abstract. In this article, we give an understanding of the term "Concept" and describe its types. We will classify the characteristics of concept and their meaning for our language. And definitely, we describe their linguo-cultural and linguo-cognitive essence.

Keywords: concept, characteristics, linguistics, linguistics and cultural studies, features.

История развития термина «концепт» в отечественной науке начинается с заимствования данного понятия из математической логики (труды Г. Фреге и А. Черча). Слово «концепт» в переводе с латинского слова *conceptus* (от глагола *concipere* – «зачинать») означает буквально «понятие, зачатие». В русском языке это слово как термин впервые используется С. А. Аскольдовым (псевдоним С. А. Алексеева) в 1928 году в статье «Слово и концепт», опубликованной в журнале «Русская речь», где автор главным свойством концептов указывает функцию замещения. Эта статья являлась началом концептуально-культурологического подхода в современной науке, однако данный термин длительное время не употреблялся в русском языкознании, только через несколько десятилетий «концепт» появляется в трудах представителей когнитивной лингвистики (Р. И. Павленис, М. А. Холодная), в которых изучаются подсистемы человеческого знания. Термин «концепт» стал общепринятым в лингвистической литературе с начала 1990-х годов благодаря научным трудам Д. С. Лихачева и Ю. С. Степанова. Д. С. Лихачев положительно отзываясь о новаторской статье С. А. Аскольдова, но определяя сущность концепта, в отличие от него, пишет, что концепт существует не для слова, а для каждого основного, то есть словарного значения слова отдельно, и предлагает рассматривать концепт как алгебраическое выражение значения (или алгебраическое обозначение), которое мы используем в своей речи. Как утверждает ученый, человек не успевает либо не может выразить значение полностью, иногда понимает его по-своему в зависимости от социальных особенностей и условий. Ю. С. Степанов концепт характеризует как культурно-ментально-языковое образование, сгусток культуры в